

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
«КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ» факультети
«НЕФТЬ-ГАЗКИМЁ САНОАТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» кафедраси**

Ҳимояга рухсат берилди

«КТ» факультети декани

«НГКСТ» кафедраси мудири в.б.

_____ доц. Атауллаев Ш.Н.

_____ к.ф.н. Шарипов Қ.Қ.

« ____ » _____ 2014 йил

« ____ » _____ 2014 йил

Рўйхатга олиш рақами № _____

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

*Мавзу: Керосинни гидротозалаш жараёни тахлили ва реакторни
хисоблаш.*

БАЖАРДИ:

2-10 НГҚИТ гуруҳи толиби

Жумаев Мирзо

РАҲБАР:

Мажидов А.А.

Ҳимоя куни _____

ДАК баёни _____

ДАК бахоси _____

ДАК котиби _____

Бухоро – 2014 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«Нефт – газкимё саноати технологияси» кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ УЧУН ТОПШИРИҚ

2-10 НГҚИТ гуруҳи толиби Жумаев Мирзо

БМИ мавзуси: Керосинни гидротозалаш жараёни тахлили ва реакторни
хисоблаш..

КИРИШ.

1. ТЕХНИК ҚИСМ

- 1.1. Нефтинг ва нефт махсулотларининг физикавий хоссалари
- 1.2. Нефтдан олинадиган нефт махсулотлари ва уларнинг характеристикалари.
- 1.3. Каталитик реакциялар ва уларнинг аҳамияти.
- 1.4. Керосиннинг таркибидаги олтингугуртли бирикмалар.
- 1.5. Нефтни қайта ишлаш саноатида каталитик жараёнлар

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

- 2.1. Нефт махсулотлари гидрокрекиглаш жараёнлари
- 2.2. Оғир хом–ашёни висбрекиглаш технологик жараён қурилмаси
- 2.3. Керосинни гидротозалаш жараёни тахлили
- 2.4. Нефт ва нефт махсулотлари таркибидаги сув миқдорини аниқлаш тажриба қурилмаси ёзуви.

3. ҲИСОБЛАШ ҚИСМИ

- 3.1. Керосинни гидротозалаш реакторининг моддий балансини хисоблаш.
- 3.2. Керосинни гидротозалаш реакторининг иссиқлик балансини хисоблаш
- 3.3. Керосинни гидротозалаш реакторларининг геометрик ўлчамларини аниқлаш.

4. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ

- 4.1. Техник хавфсизлик қоидалари
- 4.2. Ёнғин хавфсизлиги.
- 4.3. Меҳнат муҳофазаси.

5. ГРАФИК ҚИСМИ

- 5.1. Крекинг реакторининг асосий чизмаси
- 5.2. Крекинг реакторининг деталлар чизмаси
- 5.3. Нефт ва нефт махсулотлари таркибидаги сув миқдорини аниқлаш тажриба қурилмаси.
- 5.4. Каталитик крекинг қурилмаси технологик схемаси.

“КТ” факултети декани:

доц. Ш.Н. Атауллаев

“НГКСТ” кафедраси мудири:

к.ф.н. Қ.Қ. Шарипов

БМИ раҳбари:

Шомамедов Ж.

Битирувчи:

Исамов З.

МУНДАРИЖА

бет

КИРИШ.

1. ТЕХНИК ҚИСМ

- 1.1. Нефтниг ва нефт маҳсулотларининг физикавий хоссалари
- 1.2. Нефтдан олинган нефт маҳсулотлари ва уларнинг характеристикалари.
- 1.3. Каталитик реакциялар ва уларнинг аҳамияти.
- 1.4. Керосиннинг таркибидаги олтингугуртли бирикмалар.
- 1.5. Нефтни қайта ишлаш саноатида каталитик жараёнлар

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

- 2.1. Нефт маҳсулотлари гидрокрекинглаш жараёнлари
- 2.2. Оғир хом–ашёни висбрекинглаш технологик жараён қурилмаси
- 2.3. Керосинни гидротозалаш жараёни тахлили
- 2.4. Нефт ва нефт маҳсулотлари таркибидаги сув миқдорини аниқлаш тажриба қурилмаси ёзуви

3. ҲИСОБЛАШ ҚИСМИ

- 3.1. Керосинни гидротозалаш реакторининг моддий балансини ҳисоблаш.
- 3.2. Керосинни гидротозалаш реакторининг иссиқлик балансини ҳисоблаш
- 3.3. Керосинни гидротозалаш реакторларининг геометрик ўлчамларини аниқлаш.

4. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ

- 4.1. Техник хавфсизлик қоидалари
- 4.2. Ёнғин хавфсизлиги.
- 4.3. Меҳнат муҳофазаси.

ХУЛОСА

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Кириш.

Якин йиллар ичида Ўзбекистон нефт, газ ва газоконденсат казиб олиш бўйича куринарли уринларни эгаллайди. Бу эса республикада юқори сифатли ёкилги ишлаб чиқаришга ва келгусида кимё саноати учун махсулотлар етказиб берадиган хомашё базасини ташкил этишга ёрдам беради. Ўзбекистонда табиий газ конлари ва уларнинг захиралари жуда кўп. Бу эса газ казиб олинганда чиқадиган (газ билан) газоконденсатни ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Шунингдек нефтни ҳам захиралари катта.

Нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида мамлакатимизда Олтиариқ, Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб, улар йилига 11,2 миллион тонна нефт махсулотлари ишлаб чиқаришади. Фарғона заводи сурков мойлари ва ёнилғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган, ишлаб чиқариш бўйича 30 дан ортиқ технологик қурилмага эга. Олтиариқ нефть заводи эса ёнилғи ишлаб чиқариш йўналишида унинг асосий технологик қурилмаси 7 та. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи яқинда, яъни 1997 йил 22 август куни ишга туширилган бўлиб, завод тўла қувватда ишлаганда улардан юқори октанли бензин, дизель ёкилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, ички ёнув двигателлари учун мотор ва сурков мойлари (компрессор, турбина, урчуқ мойлари), керосин, битум, мазут каби нефт махсулотлар олинади. Янги махсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш дастурига мувофиқ янги технологиялар ўзлаштирилмоқда. Кейинги йилларда қўрилган кескин тадбирлар натижасида нефт казиб олиш ҳажми ўсди ва Республиканинг нефть мустақиллиги таъминланди.

Бу масалаларни хал қилиш учун янги каталитик жараёнларни саноатга тадбир қилиш билан бир пайтда (каталитик крекинг, каталитик риформинг, алкиллаш, полимерлаш, гидротозалаш ва хоказо) принципиал янги каталитизаторларни синтез қилиш ва саноатга жорий қилиш керак. Бир каталитизаторда, бир реакторда, полифункционал каталитизатор ёрдамида икки-

Ўзг.	Варақ	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варақ
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

уч жараённи олиб бориш юкорида курсатилган камчиликларни бархам беришга ёрдам беради.

Янги катализаторларни яратиш, уларни саноат микёсида синаб куриш куп вақт талаб килади. Бунинг учун илмий текширув ишларини олиб бориш учун янги апаратларни куллаш керак булади. Бунинг натижасида илмий тадқиқот ишларни бажариш учун кетадиган вақт анча камаяди. Бу ерда аналитик ишларда кулланиладиган хроматограф ва физик-кимёвий приборлар тугрисида, уларни тадқиқ қилиш масаласи турибди.

Ўзг.	Варақ	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варақ
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

1.ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1.1. Нефтнинг ва нефт маҳсулотларининг физикавий хоссалари

Нефт ва унинг фракцияларининг физикавий ва кимевий хоссаларининг функцияси булиб, кимевий таркиби, алоҳида олинган компонентларнинг (структураси) тузилиши ҳамда молекулалараро узаро таъсир кучлари хизмат қилади. Нефт ва унинг фракциялари тузилиши жихатдан жуда мураккаб булгани учун барча физикавий ва кимевий характеристикалари хаттоки ҳар хил нефтларнинг бир хилдаги фракциялари, айнан бир хил хоссага эга эмас. Шунинг учун нефт билан иш қурганда унинг барча кимевий - физикавий хоссалари учун «уртача қиймат», деган ибора ишлатилади.

Зичлик, нефт ва унинг фракциялари учун жуда кенг ишлатиладиган асосий характеристикалардан бири булиб ҳисобланади. Зичлик нефтнинг таркибига боғлиқ булиб, нефтнинг тузилишига қараб нефт фракцияларининг қупгина хоссаларини аниқлаш мумкин. Масалан: зичликни била-туриб молекуляр массасини, иссиқлик сизими, ҳамда қупгина нефтнинг хоссаларини аниқлаш мумкин. Маълумки, зичлик деб ҳажм бирлигида мужжасамлашган масса миқдorigа айтилади. СИ – системасида яъни Бирликлар системасида улчов бирлиги $\text{кг}/\text{м}^3$. Амалиётда эса зичликнинг улчовсиз катталиги нисбий зичлик билан иш қурилади. Россияда ρ_4^{20} , Англияда $\rho_4^{15,6}$ қабул қилинган.

Амалиётда яна бир катталик нисбий солиштирма оғирлик деган тушунча ишлатилади, яъни $+20^\circ\text{C}$ да нефт маҳсулотнинг (бир хил ҳажмда) оғирлиги $+4^\circ\text{C}$ да тоза сувнинг оғирлигига нисбатига айтилади ва у d_4^{20} қуринишда езилади.

Зичлик ва солиштирма оғирлик температурага боғлиқ. Температура қутарилиш билан нефт маҳсулотларнинг зичлиги қамаяди. Қупгина нефт ва фракциялари учун асосан температуранинг унча кенг булмаган интервалида

Ўзг.	Варақ	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варақ
Бажарди		Жумаев М				
Рақбар		Мажидов А.А.				

(0-50с) солиштирма огирлик ва зичлик чизикли боғланишга эга яъни куйидагичадир;

$$\gamma = \frac{d_1 - d_2}{t_2 - t_1} \quad 1$$

бу ерда: γ , $t_2 - t_1 = 1$ температура 1°C га узгарганда солиштирма огирликнинг (зичлигини) узгаришини билдиради, еки температура хатолигига тузатма. Бу формуладан (1) дан фойдаланиб, зичликни (солиштирма огирлик) t_2 – температурада топиш мумкин. Бунда t_1 – температура ва d_1 – зичлик аниқланган булиши керак.

$$d_2 = d_1 - \gamma(t_2 - t_1) \quad 2$$

Купгина нефт ва фракцияларининг зичлигини аниқлашда аниқ бир зичликка мос келувчи тузатма жадваллардан олинади. Агар зичликни температуранинг бирор- бир t кийматида аниқланиши талаб этилаётган булса, у вақтда (2) формуладан фойдаланиб d_4^{20} хамма вақт хисоблаб топиш мумкин.

$$d_4^{20} = d_4' + \gamma(t + 20) \quad 3$$

Молекуляр огирлик. Купгина нефтларнинг молекуляр огирлик 250 – 300 атрофида. Шунинг эслаш жоизни, нефтнинг биринчи суюқ углевод вакили пентан булиб, унинг молекуляр огирлиги 72 га тенг. Жуда юкори молекуляр-гетероатом боғланишга эга булган нефт махсулотлари смола, асфальтенларнинг молекуляр огирлиги 1200 – 2000 га етади. Воинов томонидан курсатилган парафинли углеводдорлар учун уртача (Мур) молекуляр огирлик уларнинг уртача кайнаш (t)- температурасига боғлиқ. Воинов томонидан таклиф этилган хисоблаш формуласи эса; тиник рангли дистиллятлар учун куйидагичадир:

$$M_{yp} = 60 + 0,3t_{yp} + 0,001t_{yp}^2 \quad 4$$

Епишкоклик (ковушкоклик). Нефт ва унинг фракцияларининг ковушкоклиги кимевий таркиб тузилишига боғлиқ булиб, у малекулалараро узаро таъсир кучи оркали аниқланади, яъни у ошса ковушкоклик хам

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

ошади. Амалиетда, купинча кинематик ковушкоклик билан иш курилади. Кинематик ковушкоклик, бир хил температурада, суюклик динамик ковушкоклигининг зичлигига нисбатидир. Кинематик ковушкоклик (v) билан белгиланиб бирилиги;

Стокс (Ст), унинг юздан бир улуши сонтстокс (сст),

СГС системасида стоксинг бирлиги $\text{см}^2/\text{сек}$,

Си – системасида эса $\frac{M^2}{\text{сек}}$; - бу катталик стоксдан 10000 марта катта.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЎ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

1.2. Нефтдан олинадиган нефт махсулотлари ва уларнинг характеристикалари.

Атмосфера босимида хайдалганда нефтдан куйидаги фракциялар олинади.

Н.К – 140⁰С – бензин фракцияси – 180⁰С (205 с).

140 – 180⁰С – лигроин фракцияси

140 – 220⁰С – керосин фракцияси

180 – 350⁰С – дизель фракцияси

350⁰С дан юкори хароратда хайдаладиган фракция мазут дейилади.

Мазут вакуум остида хайдалади ва куйидаги фракцияга ажралади:

Мотор ёкилгини олиш учун:

350-500⁰С – вакуумли Газойль (вак.Дистиллят).

500 – вакуум колдик (гудрон)

Мойлар олиш учун

350-420⁰С енгил мой фракцияси (трансформаторный дистиллят).

420-490⁰С урта мой фракцияси (машинный дистиллят),

450-490⁰С огир мой фракцияси

490⁰С гудрон

Нефт асосан водород ва углероддан таркиб топган. Углероднинг микдори нефтда 83-87 %, H₂ → 11.%-14 %, бундан ташкари нефтда S, O, N бор.

Нефт махсулотларининг асосий кисми халк хужалигида ёкилги ва сурков мойлари сифатида ишлатилади. Нефт махсулотларининг нисбатан кам кисми битум олиш учун, электрод кокси, каттик парафинлар олиш учун ишлатилади, колган кисми органик синтезда – пластмасса, синтетик тола, синтетик каучук, угитлар ва х.к. олишда ишлатилади.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

Шунинг учун нефт махсулотлари куйидаги гуруҳларга булинади:

1. Ёкилги. 2. Ёритувчи керосин, 3. Эритувчилар ва юкори октанли кушимчалар, 4. Нефт мойлари, 5. Парафинлар, церезинлар, вазелинлар, 6. Нефт битумлари, 7. ва бошка нефт махсулотлари.

1. Карбюратор ёкилгиси (авиа-автомобиль бензилари, трактор ёкилгиси). 2. Реактив, 3. Дизель, 4. Газотурбиналар. 5. Котел (козон) ёкилгиси.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

1.3. Каталитик реакциялар ва уларнинг аҳамияти.

Катализ сўзи грекча бўлиб, унинг маъноси парчаланиш демакдир. Лекин катализатор тушунчаси бутунлай бошқа маънони билдиради. Реакцияни тезлатувчи моддалар катализатор деб, катализаторлар иштирокида боровчи реакциялар эса каталитик реакциялар ва бундай реакциялар бориш ҳодисасини катализ деб аталади.

Ҳозирги вақтда катализдан химия саноатининг деярли ҳамма соҳасида кенг фойдаланилади. Катализ ёрдамида янги моддалар ҳосил қилишга муваффақ бўлинмоқда. Технологик жараёнлар оддийлаштирилди, саноат ускуналарининг техника иқтисодий кўрсаткичлари анчагина кўтарилди. Катализ ҳодисасини текширишда олинган натижалар химия саноатининг талабларига бевосита жавоб бергани учун катализ ҳодисасигни ўрганиш жуда муҳимдир ва бу соҳада анчагина мувоффақиятларига эришилди. Сунъий каучук ҳосил қилиш, водород ва азотдан аммиак олиш сунъий усуллар билан спирт полимерланиш жараёнлари ёрдамида турли пластмассалар олишда, ёқилғи саноатида ва крекинг саноатида, шунингдек, саноатнинг бошқа тармоқларида кенг равишда катализаторлардан фойдаланилади. Ҳозир химия саноатининг катализатор ишлатилмайдиган тармоғи жуда кам.

Ҳозирги нефтни қайта ишлаш заводларида бензин сифатини яхшилаш имконини берувчи, шунингдек қимматбаҳо мономерлар олиш жараёнларидан бири каталитик риформинг ҳисобланади ва бу жараён кенг тарқалган бўлиб, айти вақтда каталитик риформинг қурилмалари асосан платинали катализаторда ишлайди.

Каталитик риформинг жараёнидан мақсад - юқори октанли автомобил бензин компонентини ишлаб чиқариш шунингдек, ароматик углеводородлар бензол, толуол, ксилоллар олишдир. Жараён натижасида водород сақловчи газ ҳам олинади ва кейинчалик ёқилғи, мой ва бошқа фракцияларни гидротозалашда ҳамда гидрокрекинг қурилмаларида фойдаланилади.

Ўзг.	Варақ	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варақ
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

Каталитик риформинг хом ашёси бўлиб тўғри ҳайдашдан олинган бензин фракциялари хизмат килади. Юқори октанли бензин олиш учун катта бензин фракциялари (85-180 °С) хизмат қилса, бензол толуол, ксилол олиш учун 62-85, 85-115 ва 115-150⁰С фракцияларидан фойдаланилади, баъзида кенг бензин фракцияларига термик крекинг жараёнидан олинган паст октанли бензинлар ҳам қўшилади. Бунда ҳомашё олтингугуртли бўлса катализатор заҳарланиши мумкин, шунинг учун доим риформинга гидротозаланган ҳомашё киритилади. Хомашё таркибидаги олтингугурт микдори 0,01% бўлиши керак .

Каталитик риформинг вақтида нефтнинг бензин фракцияси углеводородлари катта микдори ароматик углеводородларга айланади. Бунда олти аъзоли нафтен углеводородлари дегидрирланиши, алкилланган беш аъзоли нафтенларни дегидроизомерланиши ва парафин углеводородларини дегидроцикланиши кузатилади. Бир вақтнинг ўзида ароматик углеводородларни деалкилланиш реакциялари ҳам боради. Шунингдек, уларни зичланиши туфайли катализатор юзасида кокс қатламини ҳосил бўлишига олиб келади. Катализатор коксланишини олдини олиш ва крекинг вақтида ҳосил бўлган туйинмаган углеводородларни гидрогенланиши учун реактордаги водород босимини юқори октанли бензин олишда 3-4 МПа, индивидуал ароматик углеводородлар олишда 2 МПа да сақлаш зарур.

Барча асосий реакциялар иссиқлик ютилиши билан кечади. Углеводородларни ўзгариш даражаси жараён иссиқлик эффекти йиғиндисига кўра аниқланади. Жараён боришида температура (480-520⁰С) пасаяди ва кейинги хомашё ўзгариши кечмайди. Шунинг учун хомашёни тўла ўзгариши учун аралашмани оралиқ қиздиришдан ўтказиш лозим. Жараён тўла ўтиши учун одатда учта кетма–кетликда ўрнатилган реакторлардан фойдаланилади .

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

Риформинг жараёнини ўтказишда асосий саноат катализаторларидан хисобланган алюмоплатинали катализатор (0,3-0,8 масс. платина) қўлланилади. Кейинги йилларда платина билан ренийли катализаторлар кенг қўлланилмоқда. Биметалли платина-ренийли катализаторлар қўллаш орқали реактордаги босимни 3-4 дан 0,70- 1,4 МПа гача пасайтиришга эришилади. Катализатор цилиндрик шаклда бўлиб, унинг диаметри 2,6 мм, баландлиги 4 мм.

Каталитик риформинг ўтказишни икки усули кенг тарқалган:

- 1) қўзғалмас катализатор қатламида борувчи риформинг;
- 2) узлуксиз қайта тикланувчи борувчи қўзғалувчан катализаторда борувчи риформинг.

Ўзг.	Варақ	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЎ	Варақ
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

1.4. Керосиннинг таркибидаги олтингугуртли бирикмалар.

Олтингугурт бирикмаларнинг микдорига караб, умумий олтингугурт микдорини фоизларда булишини аниклаш натижалари хакида фикр юритилади. Олтингугуртли бирикмаларнинг уртача молекуляр огирлигини аникламасданок унинг микдорини % ларда аниклаш тасаввурига эга булиш кийин муаммодир. Нефт таркибидаги олтингугуртнинг микдорига караб классификация килиш жорий килинмаган. Сергиенко хамма нефтларни 4 та гурухга булинади: 1) олтингугуртсиз ($S < 0,2\%$); 2) кам олтингугуртли ($S = 0,2-1,0\%$); 3) олтингугуртли ($S = 1-3\%$); 4) юкори олтингугуртли ($S > 3\%$). Купгина нефтнинг олтингугуртли бирикмалари харорат таъсирига тургун эмас. Шунинг учун нефтни хайдашда асосан (500°C) да крекинглаш вактида паст хароратда кайновчи нефт дистиллятларида емирилиш махсулотлари – олтингугурт водороди ва меркоптанлар тупланади. Бу кимёвий жихатдан жуда актив булиб, металл аппаратураларни хавфли олтингугуртли коррозиясини келтириб чикаради. Аммо баъзи бир олтингугуртли нефтлар киздирилганда унча куп булмаган микдорда олтингугуртли водороди ва меркаптанлар ажралади.



Хозирги вақтда нефт таркибидан турли хил усуллар билан 120 дан зиёд олтингугурт бирикмаларнинг вакили топилган.

Меркаптанлар, ёки тиоспиртлар янги номенклатурада тиоллар – R-SH – тузилишга эга. Метилмеркаптан (метантиол) – газ булиб кайнаш харорати $5,9^{\circ}\text{C}$ га тенг. Этилмеркаптан ва ундан юкори молекуляр гомологлари суюклик булиб сувда эрмайди. C_2 дан C_6 гача булган меркаптанларнинг кайнаш харорати $35-140^{\circ}\text{C}$. Меркаптанлар ута ёкимсиз хидга эга. Бу хид паст (куйи) вакилларида шунчалик интенсивки, хатто ($0,6 \cdot 10^{-4} - 2 \cdot 10^{-6}\%$, $\text{C}_2\text{H}_5\text{SH}$ учун) микдорда булганда хам узига хос хид билан сезилиб туради. Уларнинг бу хоссасидан амалиётда шахарларни газлаштиришда (газ билан таъминлашда) газ линияларини соз ва носозлиги тугрисида огохлантириш учун фойдаланилади. Газда у одорант (хид таркатувчи) сифатида кушилади.


Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

Нефтларда меркаптан микдори унчалик кўп эмас. Масалан, Бошқирдистон ва Татаристон конларидаги нефтларда меркаптанлар умумий олтингугуртли бирикмаларнинг 0,1 дан 15,1 % булиши аниқланган.


Ишимбоев конидаги нефтнинг бензин фракциясидан Оболенцев ва унинг ҳамкасблари ёрдамида куйидагилар: этилмеркаптан – C_2H_5SH ; икки пропилмеркаптан – $CH_3CH(CH)CH_3$; втор-бутилмеркаптан – $CH_3CH(SH)C_2H_5$; трет-бутилмеркаптан – $(CH_3)_3CSH$; d-метилпропилмеркаптан – $CH_3-CH_2-CH(CH_3)CH$; бутилмеркаптан – C_4H_9SH ; α, β - диметилпропилмеркаптан – $CH_3CH(CH_3)CH(CH_3)SH$; α -метилбутилмеркаптан – $CH_3(CH_2)_2CH \cdot (CH_3)SH$; амилмеркаптан – $C_5H_{11}SH$. Меркаптанларнинг 23-индивидуал вакиллари (метилдан то октилмеркаптанларгача) турли хилдаги хорижий нефтлар таркибидан ажратиб олинган. Меркаптанларни $300^{\circ}C$ гача киздирилганда олтингугурт водороди ажралиши билан бирга дисульфидлар ҳосил булиш жараёни ҳам боради. Ута юкори хароратда олтингугурт водороди туйинмаган углеводородларга ажралади:




Кимёвий хоссалари жихатдан меркаптанлар спиртларга ухшайди. Ишкорлар ва огир металллар оксиди билан меркаптанларни ҳосил қилади. Меркаптанларнинг огирлиги ошиши билан уларнинг меркаптидлари шунчалик енгил сув билан гидролизланади ва қайсики уларни ишкорли тозалаш жараёнини огирлаштиради.



Кучсиз оксидловчилар, хаттоки хаво ҳам меркаптанларни дисульфидлар ҳосил булгунча оксидлайди, кучли оксидловчилар эса то сульфокислоталаргача оксидлайди.



Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				



Товар махсулотлари таркибида аралашмаларда меркаптанларни булиши жуда зарарли хисобланиб, асосан рангли металларни коррозияга учрашиши келтириб чикаради ҳамда крекинг-бензинларда смолалар ҳосил қилади, нефт махсулотларига жуда ёқимсиз хид беради.

Ўзг.	Варақ	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варақ
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

1.5. Нефтни кайта ишлаш саноатида каталитик жараёнлар

Кимё ва нефт кимё саноатининг жадал ривожланиши билан нефт махсулотлари сифатига эътибор кучайди. Шу сабабдан каталитик жараёнларга эҳтиёж сезила бошлади. Каталитик жараёнларнинг муҳимлиги унда катализаторларнинг иштирокидир. Катализатор реакцияни тезлаштиради ёки сусайтиради. Аммо реакция жараёнига таъсирини курсатмайди.

Каталитик жараёнларга: каталитик крекинг, каталитик риформинг, гидротозалаш, гидрокрекинг, гидроизомеризация, полимеризация, изомеризация, алкиллаш жараёнлари мисол була олади. Барча каталитик жараёнларда катализаторнинг узок муддат ишлаши ва хусусияти муҳим ахамиятга эга.

Каталитик крекинг жараёнида нефтнинг огир фракцияларидан юкори октанли авиация ва автомобил бензин компонентлари, шунингдек урта дистилятлар олинади. Жараёнда 40-50% бензин ва бошка енгил фракциялар олинади.

Каталитик риформинг жараёнида паст октанли бензин фракцияларидан юкори октанли бензинлар олинади. Паст босимда борадиган риформингда турли хил усуллар: эритувчилар билан экстракциялаш ёрдамида ароматик углеводородлар: бензол, толуол ва ксиллолар олиш мумкин. Каталитик риформингда 73-90% риформат олиш мумкин.

Гидротозалаш-нефт дистилятлари ва махсулотларини тозалаш энг куп кулланиладиган каталитик жараён хисобланади. Бу жараён водород газини иштирокида боради. Водород таркибида мураккаб бирикмалар (S,N,O₂ бирикмалари) алохида-алохида компонентларга (Водород сульфид, аммиак, сув) ажралади. Тоза булган махсулот – гидрогенизат дейилади.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

Гидрорекинг – бу жараён гидротозалашдан фаркли уларок нефт дистилятларининг деструкцияси (яъни, синдриш, парчалаш маъносида) кузатилади.

Гидроизомеризация – бу жараён гидрорекинг жараённининг бир тури хисобланиб бунда махсус ёкилги ва юкори индексли мойлар, шунингдек, нефтхимияда алкиллаш жараёни учун оралик махсулотлар олинади. Гидроизомеризация жараёни учун хом ашё булиб ганч ва парафин, деасфальтизат ва каталитик крекинг газойллари ишлатилади.

Полимеризация – бу жараён кимёвий жараён хисобланиб, углеводородларнинг кимёвий узгариши билан боради. Масалан: пропан – пропилен фракциясидан 35% полимер-бензин олиш мумкин.

Алкиллаш - бу жараён ёрдамида изопарафинли углеводород алефин углеводороди билан бирикиб, юкори хароратда кайнайдиган изопарафинли углеводород хосил булади. Хосил булган махсулот юкори октанли авиация ва автомобил бензини компоненти хисобланади.

Изомеризация-бу жараён нефтни кайта ишлаш заводларида паст октанли парафин углеводородларни яъни C_5 ва C_6 ларни, юкори октанли изопарафинларга айлантириш учун кулланилади. Жараёнда 97 % изомеризат олинади. Изомеризация жараёни водород мухитида ва алюмосилакатли катализатор ёрдамида олиб борилади. Изомеризатлар ва алкиллатлар компаундирлаш йули билан юкори сифатли бензин олишда фойдаланилади.

Гидрогенизацион жараёнлар – бу жараёнлар ёрдамида махсулотнинг углеводород таркибини узгартириб янги махсулот олиш мумкин.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
	Бажарди	Жумаев М				
	Раҳбар	Мажидов А.А.				

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

2.1. Нефт маҳсулотлари гидрокрекинглаш жараёнлари

Гидрокрекинг жараёни асосан турли ҳомашёлардан кам олтингугуртли ёқилғи дистиллятларини олишга мўлжалланган. Одатда вакуум ва атмосфера газойллари, термик ва каталитик крекинг газойллари, деасфальтизатлар ва камдан-кам мазут ва гудронлар. Автомобил бензинлари, дизел ва реактив ёқилғилар, нефт кимёсинтези хомашёлари ва айрим ҳолларда суюлтирилган углеводород газларини ишлаб-чиқариш мақсадида гидрокрекинг ўтказилади. Гидрокрекингда водород сарфи гидротозалашга қараганда бироз юқори бўлади.

Гидрокрекинг қўзғалмас қатламли катализаторда водород юқори порциал босимида бир ёки икки босқичда амалга оширилади. Тўғри ҳайдашдан олинган хомашёдан ёқилғи дистиллят ишлаб-чиқариш учун одатда бир босқичли вариантдан фойдаланилади, яъни реакция тизимда гидротозалаш, гидрогенланиш ва гидрокрекинг жараёнлари биргаликда кечади. Икки босқичли жараённинг биринчи босқичида хомашё гидротозалаш ва гидриланиши, иккинчи босқичида – гидрокрекинг ўтказилади. Бундай ҳолатда оғир хомашёни янада юқори ўзгартириш даражасига эришилади.

Гидрокрекинг жараёни – экзотермик жараён бўлиб, хомашё аралашмаси температуралари мувозанатини сақлаш учун реактор баландлиги буйича катализатор қатламлари орасидаги зонага совитилган водород сақловчи газ киритиш кўзда тутилган. Реакторда хомашё аралашмаси ҳаракати пастга қараб йўналади.

Гидрокрекинг технологик қурилмаси одатда асосий икки реактор ва фракциялаш блокларидан тузилган. Бундан ташқари газларни водород сульфиддан тозалаш болки ҳам мавжуд. Қурилма қуввати 13000 м³/сутка гача етиши мумкин.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

*Вакуум газойлни бир босқичли гидрокрекинглаш қурилмаси технологик
схемаси:*

1, 12, 16, 19,23, 25-насослар; 2, 18-печлар; 3-реактор; 4, 11-иссиқлик алмаштиргичлар; 5,14-сувли конденсатор-совиткичлар; 6,10, 17, 22-сепараторлар; 7-водород сульфиддан тозалаш блоки; 8-компрессор; 9-редукцион клапан; 13,21-ҳаволи совиткичлар; 15,20-ректификацион колонналар; 24-буғлатиш колоннаси.

Вакуум газойлдан сифатли дизель ёқилғиси олишни қўзғалмас катламли катализатор иштирокидаги бир босқичли гидрокрекинглаш жараёни технологик тизими қўйида келтирилган. (расм 12).

Хомашё 1-насос ёрдамида тоза ва циркуляцияланувчи водород сақловчи газ билан аралаштиралади. Газ хомашё аралашмаси 4-иссиқлик алмаштиргичдан ўтиб, 2-змеевикли печда реакция температурасигача қиздирилиб, 3-реактор юқорисидан киритилади. Гидрокрекинг жараёнида кўп иссиқлик ажралишини ҳисобга олган ҳолда реакторга катализатор катламлари оралиқ зонасида совуқ водород сақловчи газ реактор баландлиги бўйича температуралар тенглигини сақлаш учун киритилади.

Реактордан чиқувчи реакция маҳсулотлари аралашмаси ва циркуляцияланувчи газ 4-иссиқлик алмаштиргичда ва 5-совиткичда совутилади, сўнгра юқори босимли 6-сепараторга тушади. Бу ерда водород сақловчи газ суюқликдан ажратилади ва суюқлик сепаратор пастидан 9-редукцион клапан орқали орқали паст босимли 10-сепараторга тушади. Бир қисм углеводород газлари 10- сепараторда ажралади, суюқ оқим 11-иссиқлик алмаштиргичга, сўнг 15-оралиқ ректификацион колоннага юборилади. Колоннада углеводород газлари ва бензин унча юқори бўлмаган босимда ажралади. Бензин бир қисми 15-колоннага «тўйинтириш» сифатида колоннага қайтарилади, баланс миқдори қурилмадан чиқарилади. Колонна қолдиғи 20-атмосферали колоннада оғир бензин, дизел ёқилғиси ва $360^{\circ}\text{C} <$ фракцияларга ажралади.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

Атмосферали колонна бензини оралиқ колонна бензини аралашган ҳолда қурилмадан чиқарилади. Дизел ёқилғиси 24-буғлатиш колоннасида сўнг совитилган ҳолда чиқарилади. Юқори фракция (360°C) бир қисми 20-колонна пастида қайноқ оқим сифатида фойдаланилади, қолган қисми қурилмадан чиқарилади.

Водород сақловчи газ моноэтаноломинни сувли эритмаси билан тозаланади ва тизимда қайтарилди.

Циркуляцияланувчи газдаги зарур водород концентрацияси тоза водород узатиш тизими билан таъминланади.

Катализаторни қайта тиклаш жараёни ҳаво ва инерт газлари аралашмаси билан ўтказилади. Катализатор хизмат муддати 4 – 7 ой.

Гидрокрекинг жараёни режими қуйидагича:

Температура, $^{\circ}\text{C}$	
I – босқичда	420 – 430
II – босқичда	450 – 480
Босим, МПа	15 – 20
Хомашёни узатиш хажмий тезлиги, соат ⁻¹	1,5 гача
Циркуляцияланувчи водород сақловчи	
Газ қарраси, м ³ /м ³ хомашё	2000 гача
Водород сарфи, хомашёга нисбатан % (масс)	1,2 – 4,0

Олтингугуртли ва юқори олтингугуртли хомашёни бир босқичли гидрокрекинг жараёни моддий баланси қуйидаги жадвалда келтирилган:

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

Кўрсаткичлар	Олтингугуртли нефт вакуум дистилляти (350 – 500 ⁰ С)	Нефт вакуум дистиллят (350 – 450 ⁰ С)	Олтингугуртли нефт гудрони коклаш дистилляти (200 – 450 ⁰ С)
Кирилган % (масс.) хомашё Водород (100 % ли Н ₂)	100,0 0,9	100,0 0,9	100,0 0,9
Ҳажми	100,9	100,9	100,9
Олинган, % (масс.) Бензин (қай.бошл. – 180 ⁰ С) Дизел ёқилғиси (180–360 ⁰ С) Қолдик > 360 ⁰ С Водород сульфид Аммиак Углеводород газлари Йўқотишлар	2,8 43,3 49,0 2,1 0,2 2,5 1,0	3,2 49,2 41,4 3,4 0,2 2,6 1,0	5,6 70,6 18,7 2,0 0,16 3,24 1,0

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
	Бажарди	Жумаев М				
	Раҳбар	Мажидов А.А.				

2.2. Оғир хом–ашёни висбрекиглаш технологик жараён курилмаси

Термодеструкция жараёнлари орқали нефт ва нефт маҳсулотларини иссиқлик таъсирида парчаланишини тушунилади. Жараёнлар уч типда ўтказилади:

1. Суюқ нефт хомашёсини юқори босим остида (20-70атм) термокрекиглаш (Висбрекинг).

2. Нефт қолдиқларини паст босимда термокрекиглаш (кокслаш).

3. Суюқ ва газ ҳолатидаги нефт хом – ашёси юқори температурада (450⁰С дан 1200⁰С гача) пиролиз қилиш.

Юқори босимда олиб бориладиган крекинг 470 – 540⁰С да нисбатан енгил хом – ашёларни (лигроин, мазут) қайта ишлаб бензин олиш учун ишлатилади. Нефт қолдиқлари ярим гудрон ва гудронларни қайта ишлаганда асосий маҳсулот сифатида қозонхона ёқилғиси олинади. Бундай жараён оғир қолдиқ хомашёни енгил шароитда бир қаррали термик парчалашдир. Висбрекинг хомашёси – нефтни атмосферали ҳайдашдан олинган мазут ёки вакуум гудронлари ҳисобланади.

Висбрекинг орқали хомашёнинг қовушқоқлигига нисбатан пасайтирилган суюқ қозонхона ёқилғиси ишлаб – чиқариш учун (I вариант), ёхуд гидрокрекинг ва каталитик крекинг қурилмалари хом–ашёси бўлган газойл ишлаб-чиқаришни кўпайтириш учун (II вариант) ўтказилади. Ҳар иккала вариантда ҳам енгил ён маҳсулотлар газ ва бензин фракциялари ҳисобланиб, одатда уларни чиқиши 3 ва 8 % дан ошмайди.

Висбрекинг қурилмаси комплекс қурилмалар таркибида бир секция кўринишида киради, масалан: нефтни атмосферали ҳайдаш – атмосферали мазут висбрекинги газойл фракцияси учун висбрекинг мазутни вакуумли ҳайдаш – газойлларини ажралиши – керосин чиқиш миқдорини ошириш мақсадида газойл аралашмаларини термик крекиглаш.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

Гудронларни крекинглаш жараёни 460 – 500⁰С температура, 1,4-3,5 МПа босим шароитида ўтказилади. Висбрекинг жараёни иссиқлик ютилиш (эндотермик) реакцияси билан кечади.

Висбрекинг маҳсулотлари ва чиқиш кўрсаткичлари қуйидагича келтирилган.


Кўрсаткичлар	Енгил нефт мазути	Енгил нефт гудрони	Нефт ярим гудрони
Маҳсулотлар чиқиши % (масс):			
Водород сульфид	0,2	0,3	-
C ₄ гача бўлган газлар	2,1	2,2	0,8
C ₅ ва C ₆ фракциялар	1,4	1,3	
C ₇ -185 ⁰ С фракция	4,7	4,6	5,6
185 – 370 ⁰ С фракция	10,7	-	-
Қолдик (>371 ⁰ С)	80,9	-	-
Қолдик (>185 ⁰ С)	-	91,6	92,6
Жами:	100,0	100,	99,0

Висбрекинг бензин фракциялари, октан сони 58 дан 68 (мотор усулида кўндирмасиз (присадкасиз)) оралиғида бўлади. Бензин ва керосин фракцияларда олтингурут миқдори хомашёдагига нисбатан кам бўлади, бу фракцияларни тозалашга тўғри келади.

Реакцион камерали висбрекинг қурилмаси

Нефтни ҳайдаш қурилмасидан қизиган (қайноқ) мазут 1-насос ёрдамида 2-змеевикли печга берилади. Хомашё печдан чиқиб, 1,7 МПа босим атрафида ишловчи 3-реакцион камера (реактор) да висбрекингланади. Олинган

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				



Ўзг. Варақ	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варақ
Бажарди	Жумаев М				
Раҳбар	Мажидов А.А.				

Реакцион камерали висбрекинг қурилмаси технологик схемаси:

1, 7, 9, 10, 14-насослар; 2-қувурли печ; 3-реактор; 4-редукцион клапан; 5-совуткич; 6-иссиқлик алмаштиргич; 8-фракцияловчи колонна; 11-ҳаволи совутиш жиҳози; 12-сувли совуткич; 13-сепаратор.

Маҳсулотлар аралашмаси 4-редукцион клапан орқали ўтиб, сўнгра 8-фракцияловчи колоннага юборилади. Аралашма колоннага киргунча 7-насос ёрдамида 6-иссиқлик алмаштиргич орқали берилаётган совуқ газойл оқими қўйилиши ҳисобидан совутилади. Совуқ газойлни қолдиқ (рециркулят) қисми 8-колонна ўрта қисмига қайтарилади. Газойлни баланс миқдори 5-совуткич орқали қурилмадан чиқарилади.

Бензин буғлари конденсациялаш ва газларни совутиш учун 8-колонна юқорисида 11-ҳаволи совуткич хизмат килади. Ундан сўнг аралашма 12-сувли совуткичдан ўтади. Горизонтал сепаратор 13 да оғир газлар беқарор бензинлардан ажратилади. Бензиннинг бир қисми 14-насос ёрдамида колонна юқори таралекасидан совуқ қўйилиш ҳосил қилиш учун қайтарилади, қолган қисми қурилмадан чиқарилади.

Колоннадан энгил керосин фракцияси тарелкалараро чиқариш жойидан олиниб, 10-насос ёрдамида қурилмадан чиқарилади. Айрим қурилмаларда бу фракция ёрдамчи буғлатувчи колонналар орқали чиқарилади.

Қолдиқ – оғирлашган висбрекинг мазут 8-колонна пастидан 9-насос ёрдамида чиқарилиб, вакуум босқичга юборилади. Юқорида кўрилган қурилма уйғунлашган (комбинированный) қурилмалар бир қисмидир.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

2.3. Керосинни гидротозалаш жараёни тахлили

Ҳозирги вақтда нефтни қайта ишлаш саноатида гидрогенизацион жараёнларни гидротозалаш, гидрокрекинг, гидродеалкиллаш, гидрогенлаш ва гидроизомерлаш усуллари кенг қўлланилади. Бу жараёнларни қўллаш орқали нефт маҳсулотларини сифатини ва ишлаб чиқариш қўламини оширишга эришилади. Гидрогенизацион жараёнлар нефтни қайта ишлаш саноатида иккинчи жаҳон урушидан сўнг кенг қўлланила бошланди. Дастлаб каталиктик риформинг хомашёси бензин ва дизел ёқилғисини гидротозалаш ривожланди, кейинроқ нефт дистиллятларини гидрокрекинглаш амалга оширила бошланди.

Охирги йилларда махсус ёқилғи ва мой компонентларини олиш имконини берувчи гидроизомерлаш жараёнларини қўллаш муҳим ўрин касб этмокда. Шунингдек, нефт ашёси учун хомашё олишда алкиллаш жараёнлари ҳам кенг қўлланилмокда.

Каталитик риформинг қурилмалари хомашёси учун бензин фракциялари гидротозалаш ва гидроолтингугуртсизлантиришдан ўтказилади. Бунда олдиндан қайта ишловни ўтказилиши риформинг жараёнидаги асосий кўрсаткичлар яхшилайди, асосан хомашёни ароматлилик даражасини, олинадиган бензин октан сонини, катализатор хизмат муддатини узайтиради.

Керосин ва дизел фракцияларини гидротозалашдан мақсад талаб этилган стандарт меъёрларига кўрсатилган миқдоргача олтингугурт миқдорини ва термик барқарор, ёниш хусусиятлари яхшиланган тайёр дистиллятлар олишдир. Бир вақтда ёқилғини коррозияга активлигини пасайтирилади в унинг сақлаш вақтидаги ҳар хил чўкиндилар ҳосил бўлиши пасаяди.

Бензин фракцияларни гидротозалашда асосий маҳсулот барқарор гидрогенизат ҳисобланади, унинг чиқиши 90-99 % (масс.) ни ташкил этади. Гидрогенизатдаги олтингугурт миқдори 0,002 % (масс.) дан ошмайди.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
	Бажарди	Жумаев М				
	Раҳбар	Мажидов А.А.				

Керосин дестилляцияларини гидротозалашда нефтни тўғри ҳайдашдан олинган 130-240 ва 140-230⁰С фракциялар хомашё бўлиб ҳисобланади. Гидротозаланган керосин фракцияси жараён асосий маҳсулоти бўлиб, унинг чиқиши 96-97 % (масс.) га етиши мумкин. Бундан ташқари, оз миқдорда паст октанли бензин фракцияси, углеводород газлари ва водород сульфид ҳам олинади.

Гидротозалаш жараёнлари кўламида асосий ўринлардан бирида олтингугуртли нефт дестилляцияларидан кам олтингугуртли дизел ёқилғисини ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бошланғич хомашё сифатида одатда қайнаш температуралари 180-330,180-360 ва 240-360⁰С керосин – газойл фракциялари фойдаланилади. Барқарорлаштирилган дизел ёқилғиси чиқиши 97 % (масс.) ни ва ундаги олтингугурт миқдори 0,2 % (масс.) ни ташкил этади. Паст октанли бензин ҳайдалма (октан), углеводород газлари, водород сульфид ва водород сақловчи газ жараёни кўшимча маҳсулоти ҳисобланади.

Гидротозалаш жараёни алюмокобальтмолибденли (Al – Co - Mo) ёки алюминиймолибденли (Al – Ni - Mo) катализаторларда турли шароитларда ўтказилади. Жараёни ўтказиш шароитлари қуйида келтирилган:

Жадвал-10

№	Кўрсаткичлар	Бензин фракцияси	Керосин фракцияси	Дизел ёқилғиси дестилляциялари
1.	Катализаторлар	Al – Co – Mo Al – Ni – Mo	Al – Co – Mo Al – Ni - Mo	Al – Co – Mo Al – Ni - Mo
2.	Температура, ⁰ С	380 – 420	350 – 360	350 – 440
3.	Босим, МПа	2.5 – 5.0	7,0	3,0 – 4,0

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

4.	Хомашёни узатиш хажмий тезлиги, соат ⁻¹	1 – 5	5 – 10	4 – 6
5.	Водород сақловчи газнинг циркуляци карраси, м ³ /м ³ хомашё	100 – 600	300 – 400	300 – 400

Иккиламчи қайта ишлашдан олинувчи дистиллятлар (кокслаш ва висбрекинг газойллари) камдан-кам ҳолатда гидротозалашга киритилди. Жараёнда фойдаланиладиган водород сақловчи газ риформинг курилмасидан олиниб, унинг таркибидаги водород миқдори 60 дан 95% (хажми) гача бўлади.


Дизел ёқилғиси дистиллятини гидротозалаш технологик тизимини кўйида кўриб чиқамиз (расм 11.) .

Жараён кўзгалмас қатламдаги алюмокобальтмолибденли катализаторлар иштирокида ўтказилади.

Хомашё 1-насос ёрдамида берилиб, 16-компрессордан келаётган водород сақловчи газ билан аралаштирилади. Аралашма 6-чи ва 4-чи иссиқлик алмаштиргичларда иситилгандан, сўнг 2-қувурли печга ва аралашма 380 – 425⁰С температурада 3-реакторга тушади. Аралашмани реакторга кириш ва чиқишдаги температуралар фарқи 10⁰С дан ошмаслиги керак.

Реакция маҳсулотлари 4, 5 ва 6-чи иссиқлик алмаштиргичларда 160⁰С гача совитилади, бир вақтда газ хомашё аралашмаси, шунингдек, барқарорлаштириш колоннаси хомашёси иситилади. Газ маҳсулотли аралашмани кейинги совутиш 7-ҳаволи совутиш жиҳозида, совигунча (тахминан 38⁰С гача) 8-сувли совутгичда амалга оширилади.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				



Расм. 11. Дизель ёқилғисини гидротозалаш қурилмаси технологик схемаси:

1, 15, 19, 21-насослар; 2-қувурли печ; 3-реактор; 4, 5, 6, 10-иссиқлик алмаштиргичлар; 7, 12, 14-ҳаволи совитиш жиҳозлари; 8-сувли совиткич; 9, 13, 17, 20-сепараторлар; 16-марказдан қочма компрессор; 11-барқарорлаштирувчи колонна; 18, 22-абсорберлар.

Беқарор гидрогенизат юқори босимли 9-сепараторда циркуляланувчи газдан ажратилади. Гидрогенизат сепаратор пастидан чиқарилади, 10-иссиқлик алмаштиргичдан ўтишда 240°C гача иситилади, сўнгра 5-иссиқлик алмаштиргичга ва 11-барқарорлаштирувчи колоннага киритилади.

Айрим қурилмаларда газ маҳсулотли аралашмалар учун юқори температурали сепарациялаш ўтказилади. Бундай ҳолларда аралашма $210 - 230^{\circ}\text{C}$ температурада юқори босимли иссиқ сепараторда ажратилади, яъни сепараторда ажратиладиган суюқлик барқарорлаштириш колоннасига юборилади.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак	
	Бажарди	Жумаев М					
	Раҳбар	Мажидов А.А.					

Циркуляцияланувчи водород сакловчи газ 18-абсорберда водород сульфиддан моноэтаноламиннинг сувли эритмаси ёрдамида тозаланиб, 16-компрессор орқали тизимга қайтарилди.

Сув буғи 11-колонна пастики қисмидан киритилади. Бензин буғлари, газ ва сув буғлари 135⁰С температура атрофида колонна юқорисидан чиқиб, ҳаволи совутгич 12 га тушади, сўнгра 13-сепараторда газнинг суяқ аралашма қисми ажратилади. Сепараторда ажралган бензиннинг бир қисми 15-насос ёрдамида 11-колонна юқорисига «тўйинтириш» сифатида қайтарилди.

Баланс миқдори эса қурилмадан чиқарилади. Углеводород газлари 22-абсорберда водород сульфиддан тозаланади.

Гидротозаланган маҳсулот 11-колонна пастидан чиқарилади ва 10-иссиқлик алмаштиргичда, 14-ҳаволи совиткичда совитилиб, 50⁰С температурада қурилмадан чиқарилади.

Қурилмада катализаторни қайта тиклаш учун 400 – 550⁰С ва 2 МПа да тоблантирилади, сўнгра тизим орқали инерт газ ўтказилади.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.КГЖ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Жумаев М				
Раҳбар		Мажидов А.А.				

2.4. Нефт ва нефт махсулотлари таркибидаги сув миқдорини аниқлаш тажриба қурилмаси ёзуви.

Нефть ва нефть махсулотлари таркибидаги минерал қушимчаларга сув, тузлар, механик қушимчалар, минерал кислота ва ишкорлар киради. Бу қушимчаларнинг қупчилиги нефт таркибида булиб, қайта ишлаш вақтида нефт махсулотлари таркибига қисман утиб қолиши мумкин. Бундай қушимчалар қайта ишлаш жараёнини қийинлаштиради ва нефт махсулотлари сифатига салбий таъсир қурсатади.

Эркин минерал кислоталар ёки ишкорлар юқори температурада трубопровод ва жихозларнинг металл қисмларини коррозияга учратади. Бундай қушимчаларнинг оз миқдори ҳам нефт махсулотларининг оксидланишига барқарорлигини пасайтиради.

Маълумки, сув нефтда ёмон эрийди ва механик аралаштиришда нефт билан аралашиб эмульция ҳосил қилади.

Нефт махсулотлари таркибида сув жуда оз миқдорда мавжуд бўлади. Қайта ишлаш жараёнида эмульгатор ролини бажарадиган олтингугурт бирикмалар, тузлар, нафтен кислоталарнинг катта қисми ажратилади. Нефт махсулотлари таркибида сувнинг оз миқдорда бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Мойлаш материаллари таркибидаги сув унинг оксидланишига таъсир қурсатиб металл қисмларининг занглашига олиб қелади. Ёқилғилар таркибидаги сув қарбюраторни ифлослайди. Паст температураларда муз парчалари Ёқилғи филтрларида тикилиб қолади.

